## Тарих — бу менинг, аждодларимнинг ўтмиши

# ИНСОНИЙ ТАРИХ ФАЛСАФАСИ

Миллий мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг ранг-баранг мавзуларда кўплаб китоб, рисолалар нашр қилинди. Уларда жамланган илмий ғоялар сингишиб, халқимизнинг мафкурасини ислоҳ қилишга амалий ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Синчков китобхонларимиз сиёсатшунос ва жамиятшунос олим Нарзулла Жўраевнинг «Юксалиш», «Агар огоҳсен» ва бошқа китобларида янги ижтимоий-сиёсий ғояларнинг яхлит тизимини кўришди. Шу сабабли муаллифнинг рисолалари янги сиёсий маърифатнинг, ўзбек сиёсатшунослик мактабининг илк қадамлари сифатида самимий кутиб олинмоқда, ўқилмоқда. Яқинда «Маънавият» нашриётида Н. Жўраевнинг «Тарих фалсафаси» деб номланган янги китоби чоп қилинди.

Китоб инсоният, миллат тарихидек маҳобатли муаммонинг долғали XX аср охиридаги фалсафий, сиёсий таҳлили ҳақида. Муаллиф тарихни идеаллаштирмайди. Кўкка ҳам кўтармайди, ерга ҳам урмайди. Китоб самимийлик, сиёсий таҳлил ва илмий ҳалолликка қурилган. Яъни тарозининг бир томонига юксак маданий тараққиётнинг олий даражаларини, иккинчи палласига —зиддиятлар, бож, тож учун курашларни — маънавий чекиниш даврларининг қайғули оқибатларини қўяди.

Шу сабабли китобдаги тарихни инсон, унинг маънавияти яратди, деган фикр тарихга янгича фалсафий қарашга интилишдек бўлиб туюлади. Иккинчи мингйиллик тугамоқда. Инсоният ўзи босиб ўтган йўлга — изларига қараб хулосалар қилиши керак. Ҳа. Ўтган мингйилликда буюк илмий (радио, электр токи, одам ойга чиқди, компьютерлашган санъат, мусиқа, ТВ, «чўнтак телефон»дан фойдаланаяпмиз ва ҳ.к.) кашфиётлар қилинди. Лекин жаҳоннинг 31 мамлакатидан тўпланган олимлар томонидан «Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?» деган антропологик муаммо ҳам XX аср охирига келиб кўтарилди-да! (Нью Жерси, 1989). Демак, инсониятнинг бой-бадавлат, билимли, учқур бўлиши унинг инсонийлашувини кафолатламади, юксак маънавиятини белгиламади. Аччиқ ҳақиқат: инсонларни ўзлари учун фойдали ишларга ҳам, ўзлари учун зарарли ишларга ҳам (сўнгги мисол — собиқ коммунистик мафкура тажрибаси) уюштиришди. Сиёсий тарихда бунга мисоллар кўп бўлди. Ўтган мингйилликда миллионлаб одамлар бир-бирларига аввал тош отдилар, ўроқ, найза, қилич санчдилар. Бунинг «унуми бўлмади». Порох ижод қилинди. Автомат ўточарларнинг янада бехато, аниқ, тежамлилари ижод қилинди, бомбалар ясалди. Ўточарлардан бир томон — ҳужум учун, иккинчи томон — ҳимоя учун фойдаланди. (Энг зўр ўточар ижодкори Калашниковга 2-мингйиллик сўнггида генерал-лейтенант унвони берилди). Товушдан тез учувчи реактив қузғунлар урчитилди. Бу ҳам камлик қилди. Ядро қуроллари ихтиро қилинди. Қисқаси, ҳозир одамзотда ўзини ва Ер куррасини бир неча марта барбод қилиш учун етарли портловчи модда бор. Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқаган, бир-бирига азалий қариндош, лекин нафси олдида маънавияти таслим бўлган, бир-бирига азалий ва абадий қариндошлик туйғуси унутилган одамзот. Одамлар ишонган ғоялар. Одамларни шу ғояларга ишонтирган сиёсатчилар, доҳийлар. Лекин сиёсатчию, доҳийлар тоифаси икки хил бўлди. Бир тоифаси халқи учун, иккинчи тоифаси — ўзи учун «фидойилик» қилишди. Бу икки тоифа ҳозир ҳам бор. Демак, бундан кейин ҳам бўлади. Огоҳроқ бўлишимиз керак учинчи мингйилликда. Бунинг учун биз сўзи, иши бир, бир жон, бир тан, ўз давлати ва савлатига эга миллат бўлишимиз керак. XXI аср талаби, Буюк келажак шарти — шу.

Тарих ҳақиқатига етишнинг энг яқин йўли энди топилгандек кўринади. Бу йўлни китоб мутолаасидан келиб чиққан ҳолда, «Инсон ва унинг ҳаётий ҳикмати» йўли деб аташ мумкин. Кўриниб турганидек, бу йўл бизга мингйилликлар қаъридан термулиб турган, руҳлари бизни ҳимоя қилаётган азиз машойихлар, донишмандлар йўлидир. Бу йўл —ўзимизнинг, ўзбекча йўл. У марксча-ленинча эгри, яъни «тарих — бойлар ва камбағаллар орасида бўлиб ўтган курашлар баёнидир» деган ёндашувнинг нақадар риёкор эканлигини кўрсатади. Инсоният тарихини унинг бевосита бунёдкори — Инсон ва унинг маънавий-руҳий кечинмаларига боғлаб ўрганиш зарурлиги тушунтирилади. Чунки «...сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар бевосита инсон онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказилган тақдирдагина унинг қадри ошади, самараси кўпаяди» (11-бет), дейди муаллиф.

Китобда тарихга «Тарих — бу менинг, аждодларимнинг ўтмиши-ку!» деган меҳрли, ҳурматли ва масъулиятли ёндашиш ғояси олға сурилади. Бу ёндашув бизнинг ворислик нигоҳимизни ўзбекнинг уч мингйиллик тарихига буради. Ҳозир, яъни 1999 йилда яшаётган ҳар бир ўзбекистонликнинг «маърифий кўзларини» унинг ота-бобоси яшаган, ижод қилган макон ва замонларга қаратади. «Тарих — бу менинг, аждодларимнинг ўтмиши-ку!» деган меҳрли, ҳурматли ва масъулиятли ёндашувнинг ҳикмати шунда эмасми?

Мазкур тарихий-фалсафий ёндашув ёки «Инсоний тарих» концепцияси шу пайтгача биз қўллаб келаётган «Тарих» деган расмий тушунчадан бой ва устун. Чунки бу талқинда тарихни яратган Инсон, унинг маънавияти, шодлик ва қайғулари, орзулари тадрижи яққол сезилиб туради. Тарихнинг, аслида, инсон ҳақидаги фан эканлиги таъкидланади. Унинг ижтимоий-сиёсий қиммати республикамизнинг Инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатига пайвандлиги билан замонавийлик касб этади. Пировард натижада эса миллий тараққиёт масаласининг миллий тарихий омилини ҳосил қилади.

«Инсоний тарих» концепциясида материалистик, идеалистик, дуалистик, теологик ва ҳ.к. ёндашувлардаги бир ёқламалик рад этилади. Яъни бундан 100, 200, 500, 1000 йил олдин миллатимиз сурати ва сийрати, тутуми, орзу-ниятлари, ҳаётини қандай бўлса, шундай кўрсатиш кераклиги ғояси устувор. Демак, тарих дарсликлари — сиёсий, ҳарбий-иқтисодий ўзгаришлар қайдномаси эмас, балки халқимиз ҳаётининг барча қирраларини яхлит тушунтирувчи, севимли дарслик бўлиши керак. Бунинг учун биз «...солномачилик, қуруқ рақамбозлик, баёнчилик иллатларидан бутунлай қутулишимиз даркор», дейди муаллиф. Дарҳақиқат, масала шундай қўйилса ва амалга оширилса, тарихни ўқитишда юқори даражаларга эришилади. Ана шунда ўқувчи-ёшларимиз ҳиссиз рақамлар тарихини ёдлашдан қутиладилар. Ҳар бир ўқувчи тарих фанига **«Тарих — бу менинг, аждодларимнинг ўтмиши-ку!» деган меҳрли, ҳурматли ва масъулиятли муносабат билан ёндаша бошлайди.** Бизга ўқувчиларнинг тарих фанига айнан шундай муносабати керак эмасми ўзи?!

Жафокаш халқимиз ўзининг 3000 йиллик тарихидан фақат 376 йилидагина мустақил яшаган экан. Нақадар қайғули. Ўзбек XIX, XX асрларда ҳам мустамлака, ғафлатда эди. Фақат 1991 йилдан чинакамига уйғонди. Уни Ислом Каримов уйғотди. Буни у англаяпти ва энди ухламайди.

Асарда ана шу ҳақиқатни уқтирувчи, мустақил сиёсий тарихимизнинг жўшқин, бедор йилларидан келиб чиқувчи таҳлил бор. Унда 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида миллий мустақиллик учун сиёсий кураш манзараси, миллий суверенитет учун Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг дадил, маҳоратли сиёсий жасоратидан ёлқинли лавҳалар келтирилган. Китобда келтирилган фактлар мустақилликни қўлга киритиш ва сақлаб қолиш учун қанча сиёсий куч, меҳнат, чўян ирода, собитқадамлик керак бўлганлигидан сўзлайди.

Президентимизнинг халқаро ҳурмати жаҳоннинг Ўзбекистонга ҳурматини, эътиборини оширмоқда. Илгари Самарқанд, Бухорони маданий саёҳат масканлари даражасида билган жаҳон энди шу мўъжизаларни яратган халқни, Миллатни танияпти, тан олаяпти.

Шўролар ўзбекнинг меҳмондўстлиги, мезбонлиги, пахтакорлиги ва албатта, меҳнатсеварлигини ёқтирар эди. Энди бу миллат ўзининг нафақат пахтакор, балки буюк тарих, салтанатлар меросхўри эканлигини дунёга англатди, қилаётган ишларимиз жаҳонни бунга ишонтирди. Шу сабабли дунё мамлакатлари иззат ва эҳтиром қила бошлади. Бундан ҳар бир ўзбекистонлик ўз қадрининг бир неча баҳя ошганлигини ҳис қилмоқда. Демак, энди Ўзбекистонга кўрсатилаётган буюк эъзознинг масъулиятини ҳам бир неча баҳя юқори кўтаришимиз керак. Юртбошимизга мос, бир жону бир тан, 46 миллион қўли билан ўзбек байроғини мустаҳкам тутиб олға қалққан ўткир миллатга айланишимиз керак.

Китобда «Ўзбек ислоҳотчилик модели»да миллий қиёфа ва миллий тафаккурга содиқлик принципи орқали давлат сиёсати ва халқ қарашлари, орзу-истаклари уйғунлигининг ҳикмати баён қилинган. Чунки Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг халқи унинг чинакам бойлигидир», деган ғояси ўзбек моделининг тамойилларидан бири сифатида амалга оширилмоқда. Оғир халқаро муҳитда бунёд қилинаётган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни кузатаётган хорижлик сиёсатчилар тўрт томонимиздаги ноиложлик ва беқарорликни кўриб: «Ўзбекистон халқининг чинакам бойлиги — унинг Йўлбошчисидир», дея фикр ва зикр қилмоқдалар. Бу эътироф учун барча ҳужжатли асослар борлиги китобнинг «Мустақиллик ва тарихий жараён», «Демократия ва тарихий жараён» бобларида холислик ва самимият билан очиб берилади. Жумладан, Ислом Каримовнинг жаҳон сиёсатига таъсири, новаторлиги нафақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотида, балки Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлардаги ташаббуслари мисолида кўрсатиб берилган. Бунга яқинда Туркияда бўлиб ўтган ЕХҲТнинг халқаро саммити ҳам яққол мисол бўлди.

Китобнинг тили, услубига алоҳида тўхталиш жоиз. Китобда ҳар биримиз гувоҳ бўлаётган ва иштирок этаётган тирик тарих, тирик фалсафа, тирик сиёсат **ҳаракатда** тасвирланган. Услубда илмийлик, бадиийлик, жозиба муштарак. Шунинг учун китоб мароқ билан ўқилади. Демак, тарих, ҳатто тарих фалсафасидек мураккаб мавзуни ҳам ўзбекча, мароқли тушунтирса бўлар экан.

Тарихни ўрганишнинг Н. Жўраев таклиф қилаётган концепциясидан ижтимоий-сиёсий фанларни ўқитишни услубий такомиллаштиришда методологик тамойил сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, адабиёт, педагогика, ҳуқуқ, сиёсат тарихини ўрганиш инсон, унинг маънавияти, руҳияти, орзулари билан боғланса, ижтимоий-сиёсий фанлар таҳсили таъсирчан ва самарали бўлади. Бу ўз навбатида миллат, давлат, тарих, Буюк келажакни тушунишда якдилликни яратишга хизмат қилади ва Юртбошимиз таъкидлаган умуммиллий ватанпарвар бирликка эришишга ёрдам беради.

**Нажмиддин КОМИЛОВ,**
филология фанлари доктори, профессор.
**Муҳаммад ҚУРОНОВ,**
педагогика фанлари доктори.

---



*Иқтисодиёт қирралари*

# «ОЛТИН ЮЛДУЗ»ЛИ КОРХОНА

Ўзбек пахтаси... Унинг довруғи қай юртларга етиб бормаган дейсиз. Халқимизнинг пешона тери эвазига етиштирилган момиқ толамизга хорижлик ишбилармонлар азалдан харидор эканлиги ҳам инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Аммо кўп йиллар давомида ана шу «оқ олтин»имизни сувтекинга беришга мажбур бўлгандик. Шукурки, Истиқлол қуёшининг сўнмас нури ана шу қарамлик занжирларини парчалаб, дунё сари кенг йўл очди.

Эндиликда ўз пахтамизни «марказ»дан белгиланган баҳода вагонга юклаб, орқасидан оғир хўрсиниб қолмаймиз. Аксинча, харидорни ҳам, «оқ олтин»имиз баҳосини ҳам ўзимиз танлаймиз. Сифатлилиги, пишиқлиги билан етти иқлимга донғи кетган хомашёмиз ҳозирда яна ўз қадрини топди. Кўплаб хорижий инвесторларнинг мамлакатимизда тўқимачилик корхоналари ташкил этишга интилаётганининг боиси ҳам шу.

Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар самараси ўлароқ, бугун нафақат давлатимиз, балки алоҳида корхоналар ҳам чет эллик ишбилармонлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатишган. «Беруний пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамияти ана шундай жамоалар сирасига киради. Унинг маҳсулотлари Белгия, Англия, Сингапур, Хитой каби ўнлаб давлатларга экспорт қилинаётир. Буюртмачиларнинг сони кун сайин ортиб бораётгани ҳам бу ерда тозаланган пахта толасининг юксак сифатидан далолат беради.

Акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Баҳром Кушакеев Мадрид шаҳрида фаолият кўрсатадиган B.I.D. (Бизнесни қўллаб-қувватлаш дирекцияси) Халқаро конвенцияси таклифига кўра, Испанияда бўлиб, у ердан «Олтин юлдуз» билан қайтди.

Маълумки, B.I.D. конвенцияси ҳар йили дунёнинг кўпгина давлатларидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати бўйича танлов ўтказади. Ана шу танловда Беруний пахта тозалаш заводида тайёрланган тола юксак сифати учун Халқаро платина юлдузи билан тақдирланди. Таъкидлаш жоизки, бу корхонанинг дастлабки муваффақияти эмас. 1997 йил 30-31 октябр кунлари Женевада бўлиб ўтган конвенцияда мазкур акциядорлик жамияти сифат учун «Олтин юлдуз» халқаро мукофотига сазовор бўлган эди.

Корхонада иш суръати бир зум бўлсин сусаймайди. Жорий йилнинг ўн ойида 588 миллион 642 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, шундан 552 миллион 267 минг сўмлиги аллақачон харидор қўлига етган.

Завод қошида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи цехлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда тайёрланган маҳсулотлар ишчи-ходимларга аталган. Ана шу цехларнинг бири ўтган ўн ойда 5 миллион 639 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаргани уларнинг қанчалик самарали иш юритаётганидан далолат. Шунингдек, 620 кишилик аҳил жамоа ўз санаторий-профилакторийси, болалар боғчасига ҳам эга, улар бепул хизмат кўрсатади.

Жамиятда 11102 дона акция чиқарилган бўлиб, унинг 26 фоизини корхона, 51 фоизини давлат улуши ташкил этса, 23 фоиз қимматли қоғоз эркин савдода сотилган. Дивидендларнинг вақтида бериб борилаётгани ҳам муваффақиятлар омили бўлаётир.

«Олтин юлдуз»ли корхона аҳлининг келгуси режалари бисёр, ниятлари улуғ. Эришилган муваффақиятни мустаҳкамлаш, иш унумдорлигини янада ошириш асосий шиоримиз, дейишмоқда улар.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Соғлом авлод учун



# ЯНГИ БИЛИМ МАСКАНИ



*Сурхондарё вилоятида бугунги кунда 7 та коллеж ва иккита академик лицей фаолият кўрсатмоқда.*

*Ана шундай янги билим даргоҳларидан бири Термиз шаҳридаги савдо техникуми базасида фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар коллежидир. Ҳозир мазкур коллежда сотувчилик, телерадио аппаратларини тузатиш устаси, ҳисобчилик, солиқ ва солиққа тортиш, ҳуқуқшунос-иқтисодчи каби олти йўналиш бўйича 175 ўқувчи таълим олмоқда.*

*Коллежда 22 та ўқув хонаси бўлиб, ҳаммаси Жанубий Кореядан келтирилган замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, коллеж қошида узоқдан келадиган талабалар учун 75 ўринли ётоқхона ҳам мавжуд. Ёшларнинг соғлом ва бақувват ўсишлари учун эса қишки ва ёзги спорт комплекслари ишлаб турибди.*

**СУРАТЛАРДА: солиқчилар гуруҳида инглиз тили дарси; ўқитувчи Файзулло Айназаров талабаларга ЭҲМдан сабоқ бермоқда.**

**И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# «АМБУЛАНС» ҲАРАКАТДА

Йил бошида пойтахт вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида оналик ва болаликни муҳофаза этиш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган эди.

Унга кўра, кўчма шифохона, яъни «Амбуланс» «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими шафелигида барча шаҳарлар ва туманларнинг қатор маҳаллаларида бўлиб, оналар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, мактаб-интернатлар ўқувчилари, ночор оилалар фарзандларини моддий қўллаб-қувватлаш каби хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Ўтган ойда «Амбуланс» шифокорлари Бўка, Бўстонлиқ, Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Пискент туманларида бўлишган эди. Декабр ойи бошида эса Янгийўл тумани қишлоқларига ташриф буюриб, оналар ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказдилар. Серфарзанд оилалар болаларига, шунингдек, кийим-кечаклар тарқатилди.

**Т. АБДУРАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Ўзбекистон Адлия вазирлигида “Шартнома муносабатлари — юристлар эътиборида” мавзуида республика юристларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Уни адлия вазири С.Мирсафоев бошқарди.*

# ШАРТНОМА МУНОСАБАТЛАРИГА ЭЪТИБОР

Семинарда маҳсулот етказиб бериш ва моддий-техник ресурсларни олиш бўйича жорий йил давомида тузилган шартномаларнинг ижроси ҳамда 2000 йил учун шартномалар тузилишининг аҳволи, шунингдек, тайёр маҳсулотларнинг меъёридан юқори қолдиғини бартараф этиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда кейинги вақтда республикада шартномавий муносабатларни йўлга қўйишда муайян натижаларга эришилгани қайд этилди.. Айни вақтда хўжалик, ички хўжалик шартномалари, шунингдек, оила, ижара бригадалари билан тайёрловчилар ўртасида тузиладиган шартномалар — ҳуқуқий давлат иқтисодий муносабатларининг асоси экани таъкидланиб, шартномавий муносабатларни яхшилаш борасида талабчанликни янада ошириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Таҳлиллар, жумладан, шуни кўрсатадики, деб таъкидланди кенгашда, адлия идоралари томонидан жорий йилнинг ўн бир ойи мобайнида текширилган 5 минг 400 корхонадаги 270 мингдан зиёд шартномадан 13 минг 145 таси нотўғри тузилган. Шулардан 7041 таси адлия ходимлари иштирокида қайта туздирилган. Кўрилган чоралар натижасида адлия идоралари томонидан республика бўйича хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига 14,1 миллиард сўм қарз ундириб берилган.

**(ЎзА)**

---

# «ЙЎЛОВЧИ ТАШИЙСИЗМИ, ТЕНДЕРГА МАРҲАМАТ!»

Нукусда шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчи ташиш ҳуқуқини олиш истагини билдирган турли мулк шаклидаги транспорт муассасалари, тадбиркорлар, тармоқ мутасаддилари ўртасида тендер савдоси ўтказилди.

— Бозор муносабатларини транспорт соҳасига ҳам дадил олиб киришимиз керак, — дейди Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Алишер Худойбергенов. — Албатта, тендерда омад йўловчилар учун энг қулай шароитлар яратган, ишончли транспорт воситалари эгаларига кулиб боқади!

**Я.ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Тадбиркор салоҳияти*

**Санжарбек ака ҳақида гап кетгудай бўлса, мирободликларнинг бири қўйиб, иккинчиси унинг таърифини келтиради:**

**— Жуда инжиқ. Ҳунарманддан юз сўмлик буюм олади-ю, уни минг сўмлик хуноб қилади.**

**— Дўкондорлар унинг қорасини кўрибоқ, эшикни ичкаридан тамбалаб олишади.**

**— Тўғри қилади, — дейди яна бири. — Ҳозирги харидор қўлига илинган нарсани сотиб олавермайди. Чертиб-чертиб харид қилади. Корхона ва хўжаликларда ишловчилар ана шу оддий ҳақиқатни унутмасинлар.**

# ОҚСОҚ ОТ БИЛАН УЛОҚ ЧОПИБ БЎЛМАЙДИ

Айтишларича, Япониянинг дунёга машҳур «Панасоник» фирмаси ўз фаолиятини электрёритгич учун патронлар ишлаб чиқаришдан бошлаган экан. Бугун ўзининг замонавий цехларини қиймати 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги илғор технология билан жиҳозламоқчи бўлган Асака шаҳридаги «Тадбиркор-6» хусусий кичик корхонаси ишига чуқурроқ назар ташланса, бу жамоа ҳам «Панасоник» босиб ўтган йўлни танлагани аён бўлади.

Маълумки, ўзини тадбиркор ҳисоблаган кишиларнинг ҳаммаси ҳам тийинлардан сўмлар ҳосил қилавермайди. Бунинг учун ҳисоб-китобни пухта билиши, бозор иқтисодиёти талабларидан яхши хабардор бўлиши, истеъмол бозоридаги ўзгаришларни доимо илғаб бориши талаб этилади. Асакаликлар айнан шундай қилдилар. Улар дастлаб «Андижон-Асака» йўли бўйидаги ташландиқ ерда автомобилларни ювиш шохобчаси ташкил этишди. Иш бироз юришгач, автомашиналарнинг мойини янгилайдиган, ишдан чиққан камераларни ямайдиган ва автошиналарни алмаштирадиган ихчам цех очилди. Бу ерда ишловчилар мижоз чўнтагидаги пулнинг чўғига қараб эмас, аксинча, унинг талаб ва истаги, хоҳиши бўйича иш юритишди. Хизмат маданиятига эътибор қаратилди. Бу ҳол мижозлар оқимининг кўпайишига имкон берди. Табиийки, мижоз қанча сероб бўлса, тушум ҳам шунча кўп бўлади.

Хусусий тадбиркорлар қаддини ростлаб олгач, сервиз хизмати кўрсатадиган яна бир цех очдилар. Янги цехда автомобиллар учун ғилоф тикиш йўлга қўйилди. Маҳсулот сифати, ишловчиларнинг очиқ чеҳралиги ва хушмуомаласи узоқ-яқиндагиларни оҳанрабодай ўзига тортди. Чеварлар энди буюртма асосида ишлашга ўтдилар.

— Иш кўламини кенгайтирмасак бўлмайдиганга ўхшайди, — деди бир куни уста Нафисахон. — Турли ёшдаги эркак ва аёллар ҳамда мактаб ўқувчилари учун замонавий кийимлар тикишни таклиф этмоқчиман. Қишлоқда нима кўп, чевар кўп. Билмаганларига ўргатамиз.

— Маъқул, — уни қўллаб-қувватлади корхона раҳбари Санжарбек Тошлонов. — Биздан қандай ёрдам керак?

— Камида йигирмата чок тикадиган замонавий тикув машинаси зарур.

Шу тариқа Россиядан «А-97», «А-22» русумли тикув машиналари сотиб олинди. Қўлида гулдай ҳунари бўла туриб, иш тополмай, уйда ўтирган қишлоқ қизлари бичув-тикув устахонасига келишди. Уларнинг қўлидан чиққан бежирим, бозордагидан бирмунча арзон кийим-кечаклар кўпчиликка манзур бўлди. Мижозлар сони кўпайди. Ҳатто Қирғизистон ва Россиядан ҳам буюртмалар кела бошлади.

Бугун биз тадбиркорлар, хусусан, қишлоқлардаги кичик корхоналар, хусусий фирмалар фаолиятини таҳлил этгудай бўлсак, икки хил манзарага дуч келамиз. Уларнинг кўпчилиги «Тадбиркор-6» сингари тезда оёққа туриб, қаддини ростлаётир. Бошқалари эса инқирозга юз тутмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Бозор рақобатдан иборат. Рақобатда эса бозор кўникмаларини пухта эгаллаган ютади. Бозор талаби билан ҳисоблашмаган, харидорнинг истаги, дидини синчковлик билан ўрганмаган, қолаверса, харидор йўлига кўз тикиб, бир жойда ўтираверганнинг иши юришмайди, бири икки бўлмайди. Бозор бизни бир амаллаб кунни кеч қилишни эмас, аксинча, эскича фикрлаш, иш юритишдан бутунлай воз кечиб, бор имкониятларни ишга солиш, маркетинг, менежмент, ҳуқуқий ҳамда иқтисодий масалаларга доир билимларни ўрганиш,уларни амалда татбиқ қилишни тақозо этмоқда.

«Тадбиркор-6» раҳбарияти, аввало, Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси билан шартнома тузди. Корхона қошида енгил автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини сотадиган дўкон ва дилерлик маркази ташкил этилди. Бу билан корхонанинг молиявий ҳолати бирмунча бақувватлашди. Ишнинг кўзини билиб меҳнат қилганлар топилган даромад ҳисобидан Жанубий Кореянинг илғор технологияларини сотиб олди. Чунончи, автомобилларга замонавий техник хизмат кўрсатадиган ўн минг АҚШ долларилик «Спектра-995», «Спектра-100» русумли дастгоҳлар келтирилди. Эндиликда асакалик автомобилсозлар ишлаб чиқараётган автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш мазкур кичик корхона фаолиятининг асосини ташкил этмоқда.

Довонга чиққан чўққини кўзлайди. Мижозлари кун сайин ортиб бораётган, буюртмачилар ишончини оқлаётган, истеъмол бозорига рақобатбардош маҳсулот етказиб беришнинг уддасидан чиқаётган жамоа шу кунларда «Дамас», «Тико»лар учун беш хил турдаги эҳтиёт қисмлар тайёрлашга ҳозирлик кўрмоқда. Шу мақсадда мавжуд бинолар қайта таъмирдан чиқарилаётир. Яқин орада бу ерга юз минг АҚШ долларилик асбоб-ускуналар олиб келинади.

Ишнинг кўзини билиб, сидқидилдан қилинган меҳнат корхонага шуҳрат келтирди: у «Ташаббус-98» республика кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринга лойиқ топилди. Шу корхонанинг иш юритувчи директори Дурдона Акбарова эса олтин медаль ва «Тико» автомобили билан тақдирланди.

Бироқ кичик ва ўрта бизнес субъектларининг ҳаммаси ҳам «Тадбиркор-6»га ўхшаб ривожланмаяпти. Вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасидан рўйхатдан ўтган 9607 корхонадан 2126 тасининг фаолияти тўхтаб қолгани шундан далолат беради. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор кичик корхона раҳбарларининг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари саёз. Улар оддий муаммоларга ҳам ечим тополмай қийналмоқдалар. Аксарият корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳам айтарли даражада яхши эмас. Айланма маблағ йўқ. Ахир оқсоқ от билан улоқ чопиб бўлмайди-да! Корхоналарнинг ўн фоиздан ортиғида бозор коньюктурасига мос равишда иш юритилмаётганига нима дейсиз?

Хўш, не-не умидлар билан ташкил этилган бу корхоналарнинг ходимлари энди нима қиладилар? Минглаб иш ўринлари яратилган, бинолар ажратилиб, керакли жиҳозлар ўрнатилган эди, уларнинг тақдири нима бўлади?

— 42 та кичик корхонага молиявий аҳволини яхшилаш учун бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан маблағ топишга ёрдам кўрсатилди, — дейди вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М. Умаралиев. — Қўрғонтепадаги «Янги ҳаёт», Андижон туманидаги «Гўзал», Қорасув шаҳридаги «Фазо», «Гуллола» ва бошқа фирмалару кичик корхоналар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, Хўжаобод туманидаги 64 нафар тадбиркор илғор технология ва эҳтиёт қисмлар етишмаслиги оқибатида боши берк кўчага кириб қолган бўлса, Булоқбошидаги 22 тадбиркор хомашё тополмай, омбордаги маҳсулотини сотолмай, қийналаётган эди. Бу масалалар ҳам ижобий ҳал этилди.

Биз фаолияти тўхтаб қолган кичик корхоналар ва фирмаларнинг бошлиқларини тўпладик. Уларда бозор кўникмаларини шакллантириш, маркетинг билимларини ошириш мақсадида пешқадам, тажрибали тадбиркорлар билан учрашувлар ташкил этдик. Ўқув марказлари очдик. Палата қошида эса ахборот-маслаҳат маркази иш бошлади.

Тараққий этган мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантиришда кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти ниҳоятда катта. Негаки, улар бозорга тез мослашувчан бўлади. Бозор эса сифатли, бежирим, нархи арзон маҳсулотни ёқтиради. Ана шу талабга жавоб берганлар, ҳисоб-китобни пухта билганлар, хусусан, Санжарбек акага ўхшаганлар харидорни ўзига чорлайди, «Тадбиркор-6» сингари юксалишнинг ойдин йўлига чиқиб олади.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 21 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 89,91 |
| 1 Австрия шиллинги | 10,35 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 225,38 |
| 10 Бельгия франки | 35,30 |
| 1 Голландия гульдени | 64,62 |
| 10 Греция драхмаси | 4,31 |
| 1 Дания кронаси | 19,15 |
| 1 БАА дирхами | 38,04 |
| 1 АҚШ доллари | 139,70 |
| 1 Миср фунти | 40,77 |
| 10 Испания песети | 8,56 |
| 100 Италия лираси | 7,35 |
| 1 Канада доллари | 94,73 |
| 1 Хитой юани | 16,87 |
| 10 Люксембург франки | 35,30 |
| 1 Малайзия ринггити | 36,77 |
| 1 Германия маркаси | 72,81 |
| 1 Польша злотийси | 33,59 |
| 1 СДР | 191,92 |
| 1000 Туркия лираси | 0,26 |
| 1 Финляндия маркаси | 23,95 |
| 1 Франция франки | 21,71 |
| 1 Швейцария франки | 88,92 |
| 1 ЕВРО | 142,40 |
| 10 Жанубий Корея вони | 1,24 |
| 10 Япония иенаси | 13,56 |
| 1 Россия рубли | 5,21 |
| 1 Украина гривнаси | 26,94 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

